

**"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамиятининг 2023 йил
1-чорак давомида бизнес-режасини бажарилиши ҳамда жамиятда
олиб борилган ишлар бўйича жамият бошқаруви раисининг**

Х И С О Б О Т И.

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти 2023 йил 1-чорак давомида **53 млрд. 837 млн. 267 минг** сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда **50 млрд. 443 млн. 581 минг** сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва режа **93,7** фоизга бажарилди.

Озукали этил спирти ишлаб чиқариш режаси **270,0 минг далл** белгиланган бўлиб, ҳақиқатда **273,9** минг далга бажарилди ёки режага нисбатан **101,5** фоиз микдорида ишлаб чиқарилди.

Жамият 2023 йил 1-чорак давомида спирт ишлаб чиқариш бўйича кувватлардан фойдаланиш коэффиценти **56,8** фоизни ташкил этди.

2023 йил 1-чорак давомида бизнес режада **364 млн. 229 минг** сўм соғ фойда олиш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда **629 млн. 485 минг** сўмни ташкил, этиб режага **1,7** баробарга бажарилган.

2023 йил 1 апрель холатига, жамиятнинг тайёр маҳсулот омборида **152,2 минг дал** ёки **26 млрд. 251 млн. 747 минг сўмлик** тайёр маҳсулот қолдигини ташкил этган.

2023 йил 1 апрель холатига жамиятнинг Бюджет олдидаги қарздорлик **6 млрд. 371 млн. 130 минг** сўмни, ишчи-хизматчиларга меҳнат ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик **1 млрд. 588 млн. 736 минг сўмни** ташкил этди.

Жамиятда ишлаб чиқаришни узликсизлиги таъминлаш ва Республикализ ички бозорида маҳсулотларимиз сифатида юзасидан негатив фикрларга чек қўйиш мақсадида Халқаро спирт ва алькогол маҳсулотлари дегустация комиссиясининг холосасига асосан 2023 йил февраль ойида танлов натижаларига кўра жамият томонидан тақдим этилган “Экстра”, “Люкс” ва “Альфа” навли этил спирти юкори баҳоланиб, “Олтин” медаллари билан тақдирландилар.

Шу билан бирга, жамиятимизнинг харидорларига қулайлик яратиш, яъни сотиб олинган маҳсулотни ўз вақтида етказилишини таъминлаш мақсадида, жамиятга спиртовоз машиналари сотиб олинган.

Ишлаб чиқаришда ютуклар бўлган каби бир катор муаммолар хам мавжуд эмас.

Хозирги кунда Алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонларда ишлаб чиқарилаётган тайёр алькогол маҳсулотларини қолдиқларини юқорилиги натижасида айланма маблағларининг танқисчиллиги туфайли, жамиятда сотув режаларини кесин пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бу эса,

- 1) Белгиланган бизнес-режадаги кўрсаткичлари бажарилмаслигига;
- 2) Ишчи ва хизматчиларни ойлик маошларини вактида берилмаслигига; жамиятнинг бюджет олдидаги мажбуриятларни бажарилмаслигига;

Бир сўз билан айтганда иқтисодий таназзулга олиб келиши ва 340 нафар ишчи ходимларни ишсиз колиши эҳтимоли жуда юқори бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, дон комбинатлари томонидан биржа савдоларига қўйилаётган, буғдой донни миқдорлари жамиятда ишлаб чиқариш жараёнини узликсизлигини таъминлаш учун етарли даражада бўмаганлиги туфайли, буғдой донни Республикаизда фаолият юритаётган хусусий сектор субъектларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдамиз.

Эътиборларингиз учун раҳмат!

**"Андижон биокимё заводи" АЖ
бошқарув раиси Х.Юлдашев**